

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМАДИЕВ НУРИДДИН МУХУТДИНОВИЧНИНГ

ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ЁШЛАР АХЛОҚИЙ
МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
КЕКСА АВЛЮДНИНГ РОЛИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон - 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Ахмадиев Нуриддин Мухутдинович

Ижтимоий ривожланиш ва ёшлар ахлоқий маданиятининг шаклланишида
кекса авлоднинг роли..... 5

Ахмадиев Нуриддин Мухутдинович

Социальное развитие и роль старшего поколения в формировании
нравственной культуры молодежи..... 21

Akhmadiyev Nuriddin Mukhudinovich

Social development and the role of the older generation in the formation of the
moral culture of youth..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.06.2020.Fal.60.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМАДИЕВ НУРИДДИН МУХУТДИНОВИЧНИНГ

ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ЁШЛАР АХЛОҚИЙ
МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
КЕКСА АВЛЮДНИНГ РОЛИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fa315 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фаргона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.adu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳакимов Назар Ҳакимович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Содиқова Шоҳидаҳон Марҳабоевна
социология фанлари доктори, профессор

Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги PhD 03/30.06.2020.Fal.60.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил « ____ » « ____ » соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй, Тел./факс: 0(374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz Андижон давлат университети Ахборот-ресурс маркази, 3-қават, 301-хона).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел: 0(374) 223-88-30).

Диссертация автореферати 2022 йил « ____ » _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил « ____ » _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).



Ф.Х.Юлдашева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлар доктори, доцент

А.А.Эгамбердиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.ф.б.,
фалсафа доктори (PhD), доцент

Т.Артиков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий ривожланиш жадаллашуви шароитида ёшларнинг демократик ислохотлар тизимидаги ўрни ортиб бормоқда. Шу муносабат билан уларда ахлоқий маданиятни шакллантириш механизмларини янада такомиллаштириш зарурияти вужудга келди. Қолаверса, ижтимоий тараққиётга эришиш йўлида кекса авлод тажрибасидан унумли фойдаланиш муаммосига доир илмий тадқиқотларга бўлган эҳтиёж ортмоқда. Бу эса фуқаролик жамияти ривожланиши даврида кекса авлоднинг ахлоқий ворисийлик тажрибасини ёш авлодга етказиш, ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг самарали инновацион механизмлари долзарблигини кўрсатиб турибди.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот институт ва марказларида ўрганилаётган ҳар бир муҳим мавзу замирида инсон омили бош объект эканини эътироф этиш керак. Ижтимоий қатлам сифатида кекса авлод вакилларининг жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолияти кенгайиб бормоқда. Айниқса, уларнинг маънавий-маърифий ишлар, тарбия соҳасида фаоллиги, жамиятдаги янгиликлар ва ўзгаришлар жараёнида учрайдиган ижтимоий муаммолар ечимидаги муҳим ўрни кекса авлод фаолиятининг тадқиқот объекти сифатида ўрганилишига асос бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида кекса авлоднинг бой тажрибаси ва салоҳиятидан ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришда самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш муаммосига оид тадқиқотларга бўлган заруратни кучайтирмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ривожланиши устувор вазибаларининг ечими жамиятда кечаётган ижтимоий ривожланиш жараёни билан ўзаро боғлиқ. Фуқаролар, кекса авлод вакилларининг манфаатлари ва мақсадлари ечимига қаратилган механизмларнинг муҳим йўналишлари Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ижтимоий ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ушбу жараёнда ёшларнинг аксиологик онги, тафаккур ва ахлоқий маданиятининг шаклланишида кекса авлод ҳаётий тамойилларининг фалсафий қирраларини тадқиқ қилиш амалий аҳамият касб этади. Шунинг учун «Нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш»¹, «кекса авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштириш»² бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Демократик ислохотлар давомида ижтимоий тараққиёт ўз навбатида иқтисодий, маънавий-маърифий юксалишни юзага чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-415 сон «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2021 йил 29 декабрь//<https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

² Ўша асап//<https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 22 сентябрдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 3 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий ривожланиш ва ёшлар ахлоқий маданиятининг шаклланишида кекса авлоднинг тутган ролига оид концептуал ғоялар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарларида³ акс этган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ҳам ижтимоий ривожланиш, кекса ва ёш авлод муносабатлари, ёшлар ахлоқий маданиятининг ривожланиш тенденциялари талқини ўз ифодасини топган⁴.

Антик дунё фалсафаси вакилларида Платон «идеал давлат», «барча фуқароларни бахтли қиладиган давлат»⁵ ғоясини илгари суради. Европалик классик файласуфлар Ж. Руссо, И. Кант, Ф. Гегель, А. Шефтсберри, Огюст Конт, А. Тойнби ва бошқаларнинг асарларида инсон ва табиат муносабатлари, жамият ривожининг инсон ахлоқий ва маънавий дунёсига, маданиятига таъсири жараёни тадқиқ қилинган. Машҳур файласуф А.Тойнби ижтимоий ривожланиш концепциясига ўз муносабатини билдириб таъкидлайдики, «инсон фаолияти йўналишини олдиндан билиш мумкин эмас, демак, бундай шароитда илгариги воқеалар жараёни келажакни башорат қилишга асос бўлмайди».⁶ Шунингдек, жамият тараққиётига ижтимоий омилларнинг таъсири, тараққиётда инсон фактори муаммоси

³Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 45 б.; Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 412 б.; Буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдида бош эгамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 395 б.; Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 138 б.; Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 265 б.

⁴ Каримов И. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Т.: Ўзбекистон, 2017. –144 б.; Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –176 б.; Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.; Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015. –304 б.

⁵Платон//<https://qomus.info/encyclopedia/cat-p/platon-uz/>.

⁶ Тойнби А.Дж. Цивилизация перед судом истории. – Москва: “Роль”, 2002. – С.199.

ечими, инсоннинг интеллектуал фаолияти, ижтимоий ривожланишга бўлган таъсири М.Хайдеггер, Ж.Симондон, А.В.Дахин, В.А.Шуров каби файласуф олимлар тадқиқотларида ўрганилган.

Файласуф олим Дж.Коббнинг ҳозирги кундаги ривожланиш жараёнида диний билимларнинг ўрнига доир қарашлари ҳамда У.Ростоу жамиятнинг инқирозсиз ривожланиш назарияси каби фундаментал тадқиқотлар диссертация мавзусига бевосита алоқадор. Диссертация мавзусининг бошқа жиҳатлари, жумладан, ижтимоий тараққиётнинг жамиятдаги либераллашув ва глобализация жараёни билан боғлиқлиги машҳур россиялик файласуфлар У. Бек, А. С. Панарин, Х. Н. Гизатуллин, Х. А. Прадес, В. А. Кутырев, А. А. Владимиров, Л. А. Зеленев, Е. И. Степанов, Д. Ю. Шаталов, геронтологлар И. И. Мечников, Н. М. Амосов, В. М. Дильман, В. В. Фролькис тадқиқотларда таҳлил этилган⁷.

Марказий Осиёлик мутафаккирлар асарларида жамиятнинг ривожланиш жараёни ва унинг шахс тарбияси, камолоти билан боғлиқлик жиҳатлари, шунингдек, кекса авлод вакиллариининг жамиятдаги ўрни ҳақида концептуал фикрлар, мустақил хулосалар билдирилган. Жамиятда ёшларнинг ўрни ва уларнинг камолотга эришувида кекса авлод вакиллариининг роли, жумладан, кексалар саломатлигини асраш ҳамда уларнинг жисмоний ҳаракатлари билан боғлиқ масалалар Абу Али Ибн Сино асарларида илгари сурилган.⁸ Мутафаккир Форобийнинг фикрича, жамият ривожда одамларнинг бир-бирига ижтимоий ёрдами муҳим аҳамиятга эгадир. «Эзгулик амал қилган шаҳарда фуқаролар бахтли яшайдилар ва бундай шаҳар барча қисмлари мутаносиб етук тана кабидир»⁹. Мутафаккир Абу Райҳон Беруний юрт ободлиги, унинг ривожу учун зарур бўлган асосий омиллардан бири кекса авлод вакиллари ва ёшларнинг ижтимоий ҳамкорлиги ҳақидаги қарашларини илгари суради. Аллома қаламига мансуб «Ҳиндистон», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида ҳам мавзуга доир илмий фалсафий қарашлар мавжуд. Шунингдек, мутафаккир, шоир, давлат арбоби Алишер Навоий асарларида жамиятдаги ривожланиш, яратувчилик соҳасида кекса авлод вакиллари ва ёшларнинг ўрни, уларнинг ватанпарварлиги, юртга содиқлиги туйғулари улуғланган, кекса авлод ўғитларидан жамиятда тинчликни, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги таъкидланади.¹⁰ Буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темур ўзининг «Тузуқлар»ида мустақил давлатнинг ривожланиши, кекса инсонларга кўрсатиладиган беғараз ёрдам, ижтимоий масалалар ечими давлатнинг мустақкамлигини таъминловчи омил эканлигини қайд қилади¹¹.

⁷ Ушбу олимлар ишлари диссертация адабиётлар рўйхатида келтирилган

⁸ Абу Али Ибн Сино. Мен англаган дунё – Т.: Шарқ, 2015. – 272 б.; Тиб қонунлари 1-2-3-ж. – Т., 1993.

⁹ Из философского наследия народов Востока. – Ташкент: Фан, 1972. – С.65-66.

¹⁰ Навоий А. Садди Искандарий – Т.: АС., 1978. – 285 б.; Хамса – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – Б. 496.; Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб. – Т: АС, 1982. – Б.12.; Навоий А. Хазойин ул-маоний – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.256.

¹¹ Одилов А. Амир Темур тузуқлари – давлат бошқарув асоси. – Т.: Фан ва технология, 2016. – Б. 180.

Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, «Ҳидоя», «Тафсири Қуръон» каби манбаларда, инсон камолотини таъминловчи, маънавий маданиятни яратувчи ва такомиллаштирувчи омиллар ҳақида сўз боради. Маърифатпарвар жадидлар Аҳмад Дониш, А. Авлоний, А. Фитрат меросида кексаларни эъзозлаш, уларнинг бой тажрибаси ва салоҳиятидан жамият ривожига ўринли фойдаланиш зарурлиги, шунингдек, ёшларнинг ахлоқий тафаккури такомилли масалаларига бағишланган қарашлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Жумладан, кекса авлоднинг илм-фан ривожигаги ўрни ҳақидаги мулоҳазалар тилга олинган¹².

Демократик ислоҳотлар даврида ижтимоий ривожланиш мазмуни, унинг ёшлар фаолиятига боғлиқлиги ва кекса авлоднинг жамиятдаги ўрни каби масалалар ўзбекистонлик файласуф олимлар Н. Ҳакимов, З. Қодирова, И. Саифназаров, Ш. Содикова, М. Нурматова, Р. Рўзиева, С. Норқулов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Шунингдек, жамиятнинг ижтимоий тараққиёти ва ёшларнинг ислоҳотлардаги ўрни, кекса авлодни ижтимоий химоялаш масалаларининг муайян қирралари, демократик ислоҳотлар даврида химоя қилинган диссертация ва тадқиқотларида ўз аксини топган¹³. Хусусан, профессор Ш.Содикова илмий тадқиқотларида геронтология масалалари алоҳида ўрганилган¹⁴. Профессор З.Қодирова ўз асарларида ижтимоий ривожланиш жараёнида ёш авлоднинг ўрни, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари, ушбу жараёнда кекса авлод роли хусусида сўз юритади¹⁵.

Диссертация мавзусига оид чоп этилган адабиётлар ва химоя қилинган диссертациялар таҳлилидан кўринадик, ижтимоий ривожланишнинг мазмуни, кекса авлод вакилларининг ёшлар ахлоқий маданиятига таъсирини янада такомиллаштириш масалалари ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқ қилинмаган. Мазкур тадқиқот ишида мавзунинг аҳамияти асослашга ҳаракат қилинган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистонда глобаллашув ва фуқаролик жамияти

¹² Ўрта Осиё мутафаккирлари, жадидлар ҳаракати вакиллари асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

¹³ Шермухамедова Н. А. Ижтимоий-гуманитар билишнинг ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий фалсафанинг долзарб муаммолари мавзусидаги илмий-назарий семинар материаллари. – Т., 2009.– 85 б.; Қодирова З., Ҳакимов Н. Концептуально-философские, социальные и духовно-нравственные проблемы процесса интеграции науки и образования в Узбекистане. – Т., 2017. – 159 с.; Ҳакимов Н. Х. Стратегия развития страны. Гражданское общество. Ташкент, «Иқтисодиёт», 2021. –365 стр. Содикова Ш. Қарияларни кадрлаш мезонлари ва тамойиллари. – Т., 2011. – Б.191.; Юлдашева Ф. Х. Ўзбекистонда глобаллашув шароитида маънавий янгиланишнинг ўзига хос хусусиятлари. Фалсафа фанлари доктори (Dsc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф. – Т., 2019.; Файзуллаев О. Қарияларни кадрлаш ғоясининг фалсафий таҳлили // Кекса авлод манфаатлари давлат ҳимоясида. –Т.: ГФНТИ, ГКНТРУз, 2002. – 196 б.

¹⁴ Содикова Ш. Кексалик ва ижтимоий химоя. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. –44 б.; Кексалик ва умр мазмуни. –Т.: Янги аср авлоди, 2014. –64 б.; Кексалари кадр топган юрт. –Т.: Янги аср авлоди, 2015. –212 б.

¹⁵ Қодирова З. ва бошқалар. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. –145 б.

шароитида шахс маънавий маданиятининг ривожланиш қонуниятлари» мавзуси номли комплекс тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижтимоий ривожланиш контекстида ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантириш жараёнида кекса авлод ролининг ижтимоий фалсафий жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

жамиятнинг янги ривожланиш стратегиясида кекса авлоднинг алоҳида демографик қатлам сифатидаги фаолияти орқали ёшларга ворисийлик асосида кадриятларни сингдириш, уларни ижтимоий фаолликка йўналтириш, ахлоқий камолотида ўрнатқ бўлиш вазифаларини асослаб бериш;

жамиятнинг янги ривожланиш босқичида нурунийларининг оқилона скептизмидан фойдаланиш орқали ижтимоий ўзгаришларнинг кутилмаган натижаларини баҳолаш, тажрибалар орттиришда ва кадриятларнинг кадрсизланиши оқибатида юзага келаётган хавф-хатарлардан ахлоқий кадриятларни мустаҳкам сингдириш асосида асраш мумкинлигини исботлаш;

кекса авлод вакилларидаги кадриятларга нисбатан консерватив муносабат глобал ўзгаришлар фонидида намоён бўлаётган ультралиберал ва деструктив жараёнларга қарши курашда мафкуравий омил бўлиб хизмат қилишини фалсафий жиҳатдан очиб бериш;

ижтимоий ўзгаришлар жараёнида кекса авлоднинг аксиологик ориентациясига қарама-қарши равишда намоён бўладиган ёшларнинг янгича қарашлари, яшаш тарзи ва ахлоқий дунёқарашига оид либерал ёндашувлари ўртасидаги диалектик алоқа натижасида жамият тараққиётидаги ўзгаришларнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ижтимоий ривожланиш жараёнида ёшлар ахлоқий маданияти шаклланишининг аҳамияти танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети: ёшлар ахлоқий маданияти шаклланишида кекса авлод роли.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик ва мантикийлик, қиёсий таҳлил, аксиологик, диалектик, социологик сўров, анализ ва синтез каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамиятнинг янги ривожланиш стратегиясида нурунийларнинг алоҳида демографик қатлам сифатидаги фаолияти орқали ёшларга ворисийлик асосида кадриятларни сингдириш, уларни ижтимоий фаолликка йўналтириш ва сафарбар қилиш, ахлоқий камолотида ўрнатқ бўлиш вазифалари асосланган;

жамиятнинг янги ривожланиш босқичида кекса авлод вакиллариининг оқилона скептизмидан фойдаланиш орқали ижтимоий ўзгаришларнинг кутилмаган натижаларини баҳолаш, тажрибалар орттиришда ва кадриятларнинг кадрсизланиши орқали юзага келаётган хавф-хатарлардан ахлоқий кадриятларни мустаҳкам сингдириш асосида асраш мумкинлиги исботланган;

кекса авлод вакилларидаги кадриятларга нисбатан консерватив муносабат глобал ўзгаришлар фонидида намоён бўлаётган ультралиберал ва

деструктив жараёнларга қарши курашда мафкуравий омил бўлиб хизмат қилиши фалсафий жиҳатдан очиб берилган;

ижтимоий ўзгаришлар жараёнида кекса авлоднинг аксиологик ориентациясига қарама-қарши равишда намоён бўладиган ёшларнинг янгича қарашлари, яшаш тарзи ва ахлоқий дунёқарашига оид либерал ёндашувлар ўртасидаги диалектик алоқа натижасида жамият тараққиётидаги ўзгаришлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда ижтимоий ривожланиш жараёнининг фалсафий жиҳатлари, ёшларда ахлоқий маданиятни шакллантириш зарурияти билан узвий боғлиқлиги асосланган;

жамиятнинг янги тараққиёт босқичида ёшлар ахлоқий маданиятининг шаклланиш жараёнида кекса авлод вакилларининг иштироки ва имкониятларининг самарали шаклланиши геронтологик нуқтаи назардан очиб беришга оид хулоса, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференцияларда муҳокама қилинган, хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти жамиятнинг ижтимоий ривожланиш даврида ёшларнинг ахлоқий маданияти, ижтимоий-маданий фаолиятини шакллантириш ва юксалтиришда кекса авлоднинг роли ва ўрнини тадқиқ қилишга хизмат қилади. Ижтимоий ривожланишнинг ёшлар ахлоқий маънавий дунёси шаклланишига таъсир кўрсатиши ва ушбу жараёнда кекса авлод вакиллари иштирокининг назарий ва амалий жиҳатлари илмий асосланганлиги мазкур йўналишдаги илмий ишлар учун методологик асос, манба ролини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ифода этилган назарий хулосалар, амалий тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Республика маънавият ва маърифат маркази ва унинг вилоят, туманлардаги бўлимлари, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг жойлардаги ваколатли ташкилотлари, шу жумладан, Фарғона вилояти Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг Кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўлими томонидан ёшлар билан ўтказиладиган суҳбатлар, тарбиявий аҳамият касб этадиган мулоқотларда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий ривожланиш ва ёшлар ахлоқий маданиятини юксалтиришда кекса авлоднинг вазифаларига геронтологик фалсафий жиҳатларига доир оид олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари:

кексалик феноменига ижтимоий-фалсафий ёндашилганлиги сабабли жамиятда нурунийларнинг алоҳида демографик қатлам сифатидаги фаолиятига раҳбарлик қилиш, йўналтириш ва сафарбар қилиш хусусиятига эга эканлигига оид тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат

марказининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сонли «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» қарорига асосан, «Маҳаллаларда уюлмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу ёшларни ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган тадбирлар режаси»ни ишлаб чиқишда, «Авлодларга муносиб ворис бўлайлик», «Маърифатли ёшлар – миллат фахри» каби мавзуларда ўтказилган тарғибот тадбирларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 17 сентябрдаги 02/07-786-сон далолатномаси). Натижада ёшларнинг ахлоқий маданияти шаклланиш жараёнининг ўсишига, уларнинг ижтимоий мақсадга мўлжалланган тадбирларда фаоллиги оширилишига эришилган;

ижтимоий тараққиётнинг барқарор ривожини таъминлаш ва мавжуд ютуқларни сақлаб қолиш учун кекса авлод вакиллари оқилона скептизмдан фойдаланиш ўзгаришларнинг кутилмаган хавф-хатарларидан асраши мумкинлигига доир тавсия ва таклифлардан Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг Кексалар ва фахрийларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш бўлими фаолиятида, жумладан, бошқарманинг 2020 йилги иш режасининг ёшлар билан ишлашнинг инновацион асосларини ривожлантиришга мўлжалланган қисмини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 18 августдаги 02-04/920-сон далолатномаси). Натижада келтирилган ва хулоса қисмида баён қилинган тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши Вазирлик фаолиятида самарали фойдаланилгани ёшларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш жараёнини янги ривожланиш босқичи талабларига мос равишда ташкиллаштиришга хизмат қилган;

кекса авлод вакилларидаги кадриятларга нисбатан консерватив муносабат глобал ўзгаришлар фониди намоён бўлаётган ультралиберал ва деструктив жараёнларга қарши курашда мафкуравий омил бўлиб хизмат қилишига доир хулоса ва таклифлардан Фарғона давлат университети Фалсафа кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан бажарилган «Имконияти чекланган болалар ижтимоий маданий фаолиятининг бадиий ижтимоий воситалар асосида назарий ва амалий такомиллашуви» мавзусидаги 2017-2020 йилларга мўлжалланган ОТ-Ф-1-100 рақамли фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Имконияти чекланган болалар ижтимоий маданий фаолиятининг бадиий ижтимоий воситалар асосида назарий ва амалий такомиллашуви фундаментал лойиҳа 2020 йил 1 июлдаги № 89-03-2369 сон маълумотномаси). Бу эса имконияти чекланган болалар ва ёшларнинг ижтимоий тараққиётнинг муҳим қисми ҳисобланган педагогик, таълим-тарбия соҳасидаги фаоллигини оширишга хизмат қилган;

ҳозирги ижтимоий тараққиёт босқичида ёшларнинг ахлоқий маданиятини юксалтиришда кекса авлоднинг ўрни ва ижтимоий аҳамиятига оид хулоса ва таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг 2020 йилнинг 1-чораги учун мўлжалланган иш

режасининг ёшлар ўртасида маънавий-маърифий йўналишларда, хусусан, «Буюк аجدодларимиз меросини ўрганиш ойлиги», «Миллий қадриятларни ардоқлаш ойлиги»ини ташкил этишга доир 13-банди, муҳим саналар муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишга доир 14-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилди. Муаллифнинг кекса авлод имкониятларидан самарали фойдаланишга оид хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида келтирилган кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятда уларнинг ўрнини янада ошириш ҳамда «Кексалар ҳафталиги»ни юқори савияда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган тадбирларда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг 2020 йил 21 сентябрдаги 04-13/2348-сон далолатномаси). Натижада ёшлар ўртасида ўтказилган тадбирларда кекса авлод имкониятларидан фойдаланиш орқали ёшларнинг таълим-тарбиявий, маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга эришилган;

ижтимоий ўзгаришлар жараёнида кекса авлоднинг аксиологик ориентациясига қарама-қарши равишда намоён бўладиган ёшларнинг либерал ёндашувлари ўртасидаги диалектик алоқа натижасида жамият тараққиётидаги ўзгаришлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига доир мулоҳаза ва таклифлардан Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси фаолиятида, шунингдек кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар тарбиясида кенг фойдаланиш, кекса авлод вакилларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш борасидаги хулосаларидан ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий оммавий ахборот воситалари нашрларида мақолалар, радио дастурлари учун лавҳалар тайёрлаш, матбуот таҳририятлар иш режасини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг 2020 йил 14 сентябрдаги 16/276-сон маълумотномаси). Натижада кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ОАВда муҳим мавзулар билан ёритилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 16 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман ва семинарларда муҳокама қилинган ҳамда маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш нашр эттирилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, тўққиз параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланганлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ижтимоий ривожланиш» тушунчасининг фалсафий мазмуни ва ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг назарий методологик асослари»** деб номланган биринчи бобида мамлакатнинг ижтимоий тараққиётида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг жадаллашуви муаммосини ҳал этиш, бевосита инсон эҳтиёжларининг қондирилиши, унинг мавжуд ижтимоий, иқтисодий муҳитга мослашувини юксалтиришни талаб қилишига урғу берилган.

Фуқаролик жамиятининг ривожини субъектларнинг барча ижтимоий соҳалардаги фаоллиги билан боғлиқ. Фуқаролик жамиятининг юксалиш тенденцияларини мустақил ижтимоий фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш, ушбу жараёнда ёшлар ахлоқий маданиятининг ролини ўрганиш, шунингдек кексаларнинг фуқаролик жамияти ривожига қўшаётган бевосита ҳиссаси, ёшлар онгида ватанпарварлик туйғуларини, ижтимоий фаоллигини ошириш, яратувчанлик, миллатлараро муносабатлардаги толерантлик туйғуларининг шаклланиш жараёнидаги ўрнини тадқиқ қилиш муҳим амалий ва назарий аҳамиятга эга. Ёшларнинг фуқаролик жамияти ривожланиши, тобора чуқурлашаётган бозор иқтисодиёти муносабатларининг асл моҳияти, мазмуни ва мақсадини англашида кекса авлод вакиллари муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий ривожланиш тушунчаси мазмуни ва моҳиятига кўра, жамият ҳаётига оид воқеа, ходисалар, жараёнларга доир юксалиш ва концептуал ижобий ўзгаришни ифода этувчи, фалсафий фикрлар мажмуасидан иборат бўлиб, инсон тафаккурида ўз аксини топади. Буюк файласуф Афлотун таъкидлаганидек, «Халқларнинг бахти учун уларнинг йўлбошчилари доно бўлишлари ёхуд донолар йўлбошчи бўлишлари лозим»¹⁶. Бу эса кекса авлодга хос бўлган донишмандлик фазилатининг амалий аҳамиятини ҳам кўрсатмоқда. Фалсафий нуқтаи назардан ижтимоий ривожланиш тизимини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

а) фуқаролик жамиятининг ривожланиш қонуниятлари, инсон турмуш тарзига оид муайян воқеликлар;

б) ижтимоий гуруҳ, табақа, синф, этник қатламлар, демографик бўлинишлар фаолиятига доир юз берадиган жараёнлар;

в) шахснинг жамиятдаги яратувчанлик фаолияти билан боғланган, унинг эволюцияси таркибий бўғинларида содир бўладиган жараёнлар;

¹⁶ Афлотун. Қонунлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 95-96.

г) жамиятнинг тизимли ривожланиш ва жадал тараққиёти билан боғлиқ, жамоатчилик, фаол тадбиркорлик маданияти, ижтимоий ҳимоя тизими, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти;

д) таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа жамият аъзоларига мўлжалланган, ижтимоий хизмат кўрсатишга йўналтирилган соҳалар ривожиди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев қайд этганидек, юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланимда¹⁷. Ижтимоий ривожланиш жараёни жамиятда, ижтимоий-иқтисодий тузумда юз берадиган, инсон ҳаёти ва турмуш тарзининг энг муҳим ва зарурий шартлари ҳамда шахс манфаатларини ифодалайди. Бу тушунчага «ижтимоий ҳаёт, жамият, унинг ҳаёти ва қонуниятлари ҳақидаги фан, жамиятшунослик; ижтимоий кишиларнинг жамиятдаги фаолияти билан боғланган, жамиятга, жамоатчиликка оид» деб изоҳ берилган.

Ёшлар тарбияси жараёнида кекса авлод вакиллари фаоллигини юксалтиришда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2012-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси» назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Шунга кўра диссертациянинг ушбу боби асосини ижтимоий ривожланиш тушунчасининг ижтимоий фалсафий мазмуни ва унинг генезиси, ёшларнинг ахлоқий камолотини шакллантириш, жамият тараққиётида муҳим ўрин эгаллайдиган кекса авлоднинг демократик ислохотлардаги роли, ушбу жараёнлар кечиши ва ривожланишнинг ўзаро диалектик боғлиқлиги масалалари ташкил қилади.

Жаҳон аҳолиси таркибиде кексалар улушининг ўсиб бориши натижасида қариллик умумбашарий муаммолардан бири сифатида инсоният олдиға ижтимоий ва инновацион мазмундаги вазифаларни қўймоқда. Ушбу ижтимоий муаммо ўзбек халқининг азалий тарихий менталитетига, яъни кекса авлодни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, такомиллашиб бораётган иқтисодий ва маънавий-маданий шароитларга мос бўлган имкониятларни яратиш билан боғлиқдир. Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши билан бир қаторда кекса авлоднинг ёшлар ахлоқий маданияти қирраларини юксалтиришдаги ўрни ва амалий аҳамияти мунтазам ортиб бормоқда.

Диссертациянинг **«Ижтимоий ривожланиш ва ёшлар ахлоқий маданияти шаклланишининг кекса авлод фаолияти билан уйғунлиги»** деб номланган иккинчи боби Ўзбекистонда янги тараққиёт босқичи даврида алоҳида эътибор қаратилаётган ижтимоий масалалар, жумладан, кекса авлоднинг ёшлар ахлоқий маданиятини юксалтиришдаги ўрнининг ижтимоий-фалсафий таҳлилига бағишланган.

Ижтимоий ривожланиш ва ижтимоий муаммолар ечими ўзаро диалектик алоқадор бўлган жараёндир. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ва жамият ривожиде кекса авлоднинг ўрнини англаш, ижтимоий

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2019 йил 28 декабрь // Халқ сўзи, 29 декабрь 2019 йил.

муаммоларнинг ечимини топиш талаб этилади. Шу муносабат билан кекса инсонларнинг демократик ислохотларда етакчи кучга айлангани, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида асосий ташкиллаштирувчи сифатидаги ўрни мунтазам илгарилаб бораётган ёшларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, кекса авлод вакиллари жамиятдаги яратувчилик, тарбия жараёнига жалб этишни инновацион асосда ташкил қилиш ва ушбу ижодий жараён натижаларидан ижтимоий ҳаётда унумли фойдаланиш зарурияти шаклланди.

Янги тараққиёт босқичида ўз моҳиятига мувофиқ, ҳаётга кириб келаётган ёш авлод вакиллари даромадларини ошириш, узлуксиз таълимнинг барча соҳаларини янада ривожлантириш зарурияти вужудга келди. Глобаллашув даврида таълим тизими янги педагогик технологияларни, таълимнинг инновацион методларини жорий этиш, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш имкониятларини ошириш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш ғоят муҳимдир.

Ижтимоий тараққиёт асосларидан бири бўлган соғлиқни сақлаш тизими сифатини юксалтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маданият, спорт муассасалари фаолиятини демократик ислохотлар мақсадига мос даражада ташкил этиш, чуқурлашаётган бозор иқтисодиёти муносабатларига мос суръатда, инсон манфаатларини, «кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш»ни ташкил этиш кўзда тутилади¹⁸. Шунингдек, ижтимоий тараққиётнинг муҳим белгиси сифатида, кекса авлод вакиллари муносиб суръатда нафақа билан таъминлаш, уларнинг дам олиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя механизмларини такомиллаштириш, ушбу ижтимоий йўналишдаги муҳим стратегик вазифадир. Жамиятда муҳим ижтимоий мазмун касб этадиган вазифани бажариш учун давлат ва хусусий мулкдорлар имкониятларидан самарали фойдаланиш усулларини излаб топиш, кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳаётда, демократик жараёнлар кўламида фаол иштирокини кенгайтириш зарурияти вужудга келди.

Шунингдек, бугунги кунда нодавлат ташкилотлар фаолиятини жамият ривожига мос равишда такомиллаштириш масаласи олдинга чиқди. Хусусан, 2018 йилда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси «Ёшлар қаноти» ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан 30 июнь Ёшлар куни муносабати билан «Партия фаолиятида ёшлар қанотининг ўрни ва роли» мавзuida ташкил қилинган давра суҳбатида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш тизимини янада такомиллаштириш, кекса авлод тажрибасидан самарали фойдаланиш бўйича қарор қабул қилинган.

Жамиятда кекса авлод вакиллари ижтимоий ҳаётга, бозор иқтисодиёти муносабатларига мослашуви жадаллашаётгани кузатилмоқда. Бу жараён миллий ва умуминсоний қадриятлар мазмунида авлодлар

¹⁸Джавакова К.В. Политология. Учебник. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. – С. 256.

ўртасидаги тафовутларга геронтология нуқтаи назаридан ёндошиш, жадал ривожланаётган жамиятдаги янгилашиш ва ўзгаришларга қаратилган муносабатлар мазмунида рўй бераётгани билан характерлидир.

Илмий тадқиқот давомида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Фарғона политехника институти (ҳар бир олий ўқув юртидан 150 нафардан зиёд) талабалар ва ходимлар орасида ўтказилган социологик сўровнома натижалари кекса авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятларни улуғлашдаги ўрни муҳим эканлигини тасдиқлади. Сўровнома натижаларида аниқландики, ёшларнинг кекса авлод билан муносабатлари ва ахлоқий кўникмаларини шакллантиришда кекса авлод тажрибаси муҳим ва буни аксарият иштирокчилар юқори баҳолашди. Респондентларнинг 4 фоизи ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишлардан қониқмаслигини маълум қилган.

1-жадвал

Фарғона политехника институтида ёшлар ва кексалар ўртасидаги муносабатлар натижасига кўра:

| А | Б | С | Д | Е | Н |
|--------|-----|-------|------|------|----|
| 40,3 % | 32% | 12,2% | 5,6% | 3,9% | 6% |

2-жадвал

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ёшлар ва кексалар ўртасидаги муносабатлар натижасига кўра:

| А | Б | С | Д | Е | Н |
|------|-------|-----|------|----|------|
| 41 % | 29,3% | 13% | 4,5% | 3% | 9,2% |

3-жадвал

Самарқанд давлат университетида ёшлар ва кексалар ўртасидаги муносабатлар натижасига кўра:

| А | Б | С | Д | Е | Н |
|--------|-------|-------|------|------|------|
| 38,3 % | 30,5% | 12,5% | 5,5% | 3,6% | 9,6% |

Диссертациянинг «**Жамият тараққиётида кекса авлод фаолиятининг ёшлар ахлоқий, маънавий тафаккури юксалишидаги ўрни**» деб номланган учинчи боби демократик ислохотлар жараёнида кекса авлод ижтимоий кўникмаларини шакллантириш, уларнинг интеллектуал имкониятларидан самарали фойдаланишнинг инновацион шакллари кенгайтириш, кекса авлоднинг ёшлар ахлоқий маданиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллантиришдаги ўрнини таҳлил этишга бағишланган.

Ўзбекистонда ёшларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммоси тизимли суръатда ҳал этилди. Таъкидлаш лозимки, ёшларнинг ахлоқий маданиятида айрим узилишлар, бепарволик муносабатлари, миллий анъаналарга нисбатан беписандлик тенденциялари кузатилмоқда. Жумладан, миллий қадриятларнинг ёшлар дунёқарашига, фаолиятига таъсирининг пасайиши, кадрсизланиши ҳолатлари мавжуд. Жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этилаётган маданий-маърифий, ахлоқий мазмундаги

тадбирларнинг таъсирчан эмаслиги ҳамда юқори савияда ташкил қилинмаслиги кўзга ташланади. Ҳозирги даврда оммавий ахборот воситаларининг ривожланаётгани, илмий технологик жараёнларнинг кучайиши, «оммавий маданият»нинг, радикал мазмундаги диний оқимларнинг кириб келиши, жамиятни ўзаро бегоналашуви, индивидуализм, шахсиятпарастлик, эгоизм ўсиб бормоқда. Жамиятда диний бағрикенглик ўрнини ашаддий мутаассиблик билан алмаштиришга ҳаракат қилиш, ёш оилаларнинг ажралишлари сон жиҳатдан ошиб бораётгани, маънавий-ахлоқий кадриятларни емириб бораётган кинофильмларнинг ҳам кўпайгани ёшлар ўртасида ахлоқий маданиятнинг кенг тарғиб қилинишини тақозо этади.

